



Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

23 декабр 2007 й.

ЕХХТ/ДИИХБ сайловни кузатиш бўйича чекланган Миссияси якуний  
ҳисоботи



Варшава  
23 апрел 2008 й.

# МУНДАРИЖА

<b>I. РЕЗЮМЕ</b> .....	<b>1</b>
<b>II. КИРИШ ВА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР</b> .....	<b>3</b>
<b>III. ИБТИДО</b> .....	<b>4</b>
<b>IV. КОНСТИТУЦИОН ВА СИЁСИЙ КОНТЕКСТ</b> .....	<b>6</b>
<b>V. ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ</b> .....	<b>7</b>
<b>VI. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ</b> .....	<b>9</b>
A. САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ .....	12
B. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....	13
<b>VII. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ</b> .....	<b>13</b>
<b>VIII. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ</b> .....	<b>15</b>
A. ШАРХ .....	15
B. ОАВ ФАОЛИЯТИ УЧУН ҲУҚУҚИЙ ДОИРАЛАР .....	15
C. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН САЙЛОВНИ ЁРИТИШ МОНИТОРИНГИ .....	16
<b>IX. АРЗ ВА ШИКОЯТЛАР</b> .....	<b>17</b>
<b>X. САЙЛОВНИ КУЗАТИШ</b> .....	<b>19</b>
<b>XI. АЁЛЛАР ВА КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАР ИШТИРОКИ</b> .....	<b>19</b>
<b>XII. САЙЛОВ КУНИ</b> .....	<b>20</b>
A. ОВОЗ БЕРИШ .....	20
B. ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШ ВА НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ .....	21
<b>XIII. МАСЛАҲАТЛАР</b> .....	<b>22</b>
A. ҲУҚУҚИЙ БАЗА .....	22
B. САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИ ЎТКАЗИШ .....	23
C. ОАВ .....	25
<b>ИЛОВА: САЙЛОВНИНГ РАСМИЙ НАТИЖАЛАРИ</b> .....	<b>ERROR! BOOKMARK NOT DEFINED.</b>
<b>ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ</b> .....	<b>ERROR! BOOKMARK NOT DEFINED.</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ**  
**23 декабр 2007 й.**

**ЕХХТ/ДИИХБ сайловни кузатиш бўйича чекланган Миссияси якуний  
хисоботи<sup>1</sup>**

**I. РЕЗЮМЕ**

Ўзбекистон ташқи ишлар Вазирлигининг таклифини қабул қилган ҳолда, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 2007 йил 23 декабрда мўлжалланган президент сайловига Сайловни кузатиш чекланган миссиясини (СКЧМ) юборди. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёнини миллий қонунчилик, 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати ва демократик сайловнинг бошқа халқаро стандартларига нисбатан мослигини баҳолади.

ЕХХТ/ДИИХБ аввал Баҳолов миссиясини (БМ) жўнатди, у СКЧМ дан олдин ишлаб, сайловларда объектив чекланган характердаги рақобат мавжудлиги туфайли, тизимли ва комплекс кузатув ўтказиш талаб этилмаслиги хулосасига келган. Шунга кўра, таъкидлаб ўтиш жоизки, кузатувчилар сони 30 кишидан ошмаслиги шарти билан юборилган таклифномаси орқали ўзбек ҳукумати томонидан амалга оширилган миссия кўламига таъсир кўрсатиш ҳаракатлари жиддий рол ўйнамади.

2007 йил 23 декабрдаги президент сайлови қатъий назорат остидаги сиёсий муҳитда ўтди ва 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген ҳужжатида қайд этилган демократик сайлов ўтказиш бўйича ЕХХТнинг кўпгина қоидаларига мос келмади. Тўрт нафар номзод, шу жумладан бир аёл ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан таклиф этилган бир номзод иштирокига қарамай, сайловчилар реал танловсиз қолдилар, чунки барча рақиблар оммавий тарзда амалдаги ҳукумат раҳбари Ислом Каримов сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқлар алтернатив фикрларга эга сиёсий ҳаракатларга сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи сифатида рўйхатдан ўтишга рухсат бермади, натижада, бу улар томонидан президентликка номзод таклиф этишига ҳалакит қилди.

2000 йилда бўлиб ўтган аввалги президент сайлови давридан буён сайлов қонунчилигига бир қатор ижобий ўзгаришлар киритилиб, улардан энг аҳамиятлиси сайловчилар ташаббускор гуруҳларига номзод қўйиш имконини бериш бўлди. Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг дастлабки матнига киритилган баъзи бошқа тузатишлар номзодларни рўйхатга олиш жараёнини ўта мураккаблаштиргани туфайли конституцион қонунлар ва халқаро стандартларга зид кўринади. Бу номзод қўйиш учун керакли имзолар сонини ошириш ва қасддан қилинган жиноят учун муқаддам судланган ёки уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги сабабли қонунга мувофиқ таъкиб

---

<sup>1</sup> Хисобот ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Шунга қарамай, ҳужжатнинг инглиз тилидаги варианты унинг ягона расмий матни бўлиб қолади.

қилинувчи каби шахсларнинг ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига эга фуқаролар гуруҳларидан чиқариш туфайли амалга ошади.

Ҳокимиятдаги давлат раҳбарининг номзод сифатида рўйхатдан ўтишининг қонунийлиги юридик жиҳатдан савол туғдирди. Конституциянинг 90-моддасига асосан бир шахсга президентлик лавозимини кетма-кет икки мартадан ошмаган ҳолда эгаллаш рухсат этилишига қарамай, амалдаги ҳукумат раҳбари 1991 ва 2000 йиллардаги аввалги иккала президент сайловида ҳар сафар яна бир номзод билан рақобатда ғолиб чиқиб, 1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинишидан бери Ўзбекистон Президентиدير. Бу масала оммавий мулоҳаза мавзуси ҳам бўлмагани каби, бу борада ҳеч қандай расмий эътироз ҳам билдирилмади.

Сайлов комиссиялари томонидан умумий ҳисобда сайлов пухта ташкил этилди, лекин доим ошкор тарзда бўлмади. Марказий сайлов комиссиясининг (МСК) баъзи муҳим қарорлари кечиктирилиб, фақатгина қисман эълон қилинди ёки умуман эълон қилинмади.

Сайловолди ташвиқоти оз даражада маълум бўлиб, номзодлар ҳақида нейтрал маънодаги маълумотга эга Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр этилган материаллардан ташқари ҳеч қандай ташвиқот материалларисиз ўтди. МСКнинг ташвиқот материалларини тайёрлашга нисбатан монополияга эгаллиги, аслида индивидуал ташвиқот кампанияларни ўтказишга тўсиқлик қилди. Бу борада сайлов комиссиялари билан ҳамкорликда олдиндан танлаб олинган, деган фикр уйғотувчи тингловчилар иштирокида ташкил этилган номзодларнинг электорат билан учрашувларига ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятлари тўсиқ яратувчи рўйхатга олиш ва аккредитация қилиш қоидалари шароитларида амалга оширилиб, фақатгина оз сондаги хорижий мухбирлар сайловолди жараёни ҳақида лавҳа олиб бориш учун аккредитация қилинди. Давлат ОАВ сайлов вақтига мосланган асосан махсус дастурлар доирасида қонунда белгиланган номзодларга тенг тарзда бепул эфир вақтини тақдим этиш талабларига риоя қилдилар. Шу билан бирга, дастурларнинг дебатларсиз ва бевосита мулоқотсиз эканлиги, қисқа муддатлилиги ва чекланган форматлилиги уларнинг кадр-қийматини жуда тушириб юборди. ЕХХТ/ДИИХБ томонидан олиб борилган сайловнинг янгиликларда ёритилишини мониторинг қилиш асосий телевизион органи бўлган “Ўзбекистон” давлат телеканали амалдаги ҳукумат раҳбарига очикдан-очик афзаллик билдирганини кўрсатди.

Сайлов кунида сайлов участкаларида тартиб-тамойилларни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай тизимий ёки комплекс кузатув ўтказилмаганлигига қарамай, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ вакиллари бир қатор сайлов участкаларига ташриф буюрдилар. Таассуротларга кўра, овоз бериш умуман олганда тинч ҳолатда ўтди, бироқ деярли барча ташриф буюрилган участкаларда бошқа шахслар учун овоз бериш ҳоллари қайд этилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ташриф буюрган кўпгина участкаларда сайловчилар рўйхатларида кўпгина бир хил имзолар мавжудлиги кузатилди.

Бундан ташқари, сайлов тартиб-тамойиллари, шу жумладан барча босқичларда овозларни ҳисоблашда етарлича батафсил регламентация қилинмаганлиги уларни

турли усулларда қўллашда олиб келди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ гувоҳи бўлган баъзи қўлланилган усуллар, хусусан округ комиссияларига участка сайлов комиссиялари томонидан олдиндан имзоланган бўш баённомалар ёки қалам билан тўлдирилган баённомалар ўзбек қонунчилигини бузди.

Агар сайлов қонунчилиги томонидан сайловни хорижий давлатлар вакиллари томонидан кузатилиши кўзда тутилган бўлса ва Марказий сайлов комиссияси томонидан умумий ҳисобда 264 халқаро кузатувчиларнинг аккредитация этилганлиги ҳақида маълум қилинган бўлса<sup>2</sup>, маҳаллий фуқаролик жамияти уюшмалари сайловчилар ташаббускор гуруҳи ташкил этиб ва ўз номзодларини таклиф этмагунларига қадар сайловни кузатишни амалга оширишга ҳақли эмаслар, бу эса ЕХХТ нинг 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатининг 8-параграфига зид.

2004 йил парламент сайлови натижалари бўйича ЕХХТ/ДИИХБ томонидан таклиф этилган кўпчилиги президент сайлови юзасидан бўлган сайлов қонунчилигини қайта ишлаб чиқишга оид тавсиялар бажарилмаганлигича қолмоқда.

ЕХХТ/ДИИХБ мазкур ҳисоботда, шу жумладан ундаги хулосалар асосида таклиф этилган тавсиялар, ҳамда ўзининг 2004 йилдаги парламент сайлови ҳақидаги якуний ҳисоботи ва 2005 йилда нашр этилган “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги Қонунга баҳо”сида кўтарилган масалалар бўйича ўзининг Ўзбекистон ҳукумати, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик олиб боришга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтади.

## II. КИРИШ ВА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлигининг 2007 йил 23 декабрда мўлжалланган президент сайловини кузатиш олиб бориш учун таклифини қабул қилиб, ЕХХТ/ДИИХБ 2007 йил 5 декабрда Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссиясини (СКЧМ) ташкил этди. Асосий таркибига сайловлар бўйича 9 нафар эксперт кирган ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга элчи Валтер Зигл бошчилик қилди. Бундан ташқари, 12 нафар кузатувчилар Бухоро, Фарғона, Қарши, Нукус, Самарқанд ва Тошкентга йўлланма олдилар. СКЧМ ЕХХТга аъзо 16 та мамлакат фуқаролари таркибидан иборат эди. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёнини унинг ЕХХТнинг 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжати, демократик сайловларнинг бошқа стандартлари, ҳамда миллий қонунчиликка мослигини баҳолади.

ЕХХТ/ДИИХБ аввал Баҳолов миссиясини (БМ) жўнатди, у СКЧМ дан олдин иш олиб бориб, сайловларда объектив чекланган характердаги рақобат мавжудлиги туфайли, тизимли ва комплекс кузатув ўтказиш талаб этилмаслиги хулосасига келган<sup>3</sup>. Шунга кўра, ўзбек ҳукумати томонидан амалга оширилган кузатувчилар сони 30 кишидан ошмаслиги шарти билан юборилган таклифномаси орқали миссия кўламига таъсир кўрсатиш ҳаракатлари жиддий рол ўйнамади. Таъкидлаш жоизки, салоҳиятли кузатув миссиясини ташкил этиш учун ЕХХТ/ДИИХБнинг ўз

<sup>2</sup> Уларнинг аксарияти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) вакиллари.

<sup>3</sup> Ҳисоботга қаранг: [http://www.osce.org/documents/odhr/2007/12/28672\\_en.pdf](http://www.osce.org/documents/odhr/2007/12/28672_en.pdf)

ихтиёрига кўра кузатувчилар сонини аниқлаш имконига эга бўлиши самарали кузатув шартларидан бири бўлиши керак<sup>4</sup>.

17 декабрда СКЧМ хулосаларига кўра Оралиқ ҳисобот<sup>5</sup>, матбуотда эълон қилинди, сайловдан кейинги кун 24 декабрда эса матбуот учун<sup>6</sup> расмий баёнот эълон қилинди.

ЕХХТ/ДИИХБ Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, қуйи сайлов комиссиялари ва жойлардаги ҳукумат органларига СКЧМ кўрсатилган самимият учун ўз миннатдорчилигини билдиради. ЕХХТ/ДИИХБ фуқаролик жамиятлари ва Ўзбекистондаги бошқа мамлакатлар элчихоналарига ажратган вақтлари ва тақдим этган маълумотлари учун миннатдорчилик билдиради. ЕХХТ/ДИИХБ Тошкентдаги ЕХХТ лойиҳалари Координатори Идораси томонидан кўрсатилган техник ёрдамни юксак баҳолай олди.

### III. ИБТИДО

2007 йил 23 декабрдаги сайлов ЕХХТ/ДИИХБ кузатув олиб борган Ўзбекистондаги биринчи президент сайлови бўлди. Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг, Ўзбекистонда президент сайлови икки марта – 1991 йил декабрда ва 2000 йил январда бўлиб ўтди. ЕХХТ/ДИИХБ 1999 ва 2004 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайлови мониторингини олиб борган, ҳар иккала ҳолда сайловни кузатиш бўйича чекланган миссиясини жўнатган. 2004 йил парламент сайловида ишлаган ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ мазкур сайлов “демократик сайловлар борасида ЕХХТ талаблари ва бошқа халқаро стандартларига маълум даражада мос келмаганлиги” ҳақида хулосага келди. Якуний ҳисоботда сайлов тизимидаги камчиликларни тўлдириш бўйича тавсиялар берилган<sup>7</sup>. 2005 йил февралда ЕХХТ/ДИИХБ “Парламентга сайлов тўғрисида”ги қонунга берган баҳосини матбуотда эълон қилиб, “сайлов тўғрисидаги Қонун Ўзбекистоннинг ЕХХТ олдидаги мажбуриятлари ва бошқа демократик сайловлар халқаро стандартларига мослаштириш учун маълум тўлдиришларга муҳтож” деб хулоса килди<sup>8</sup>.

Ҳозирда Ўзбекистон Президенти етти йиллик муддатга сайланади<sup>9</sup>. Овоз беришнинг биринчи турида сайланиш учун камида 33 фоиз иштирокчилар қатнашувида оддийгина кўпчилик овозини тўплаш лозим. Сайловнинг иккинчи турини ўтказиш зарур бўлса, МСК уни биринчи тур кунидан ўн беш кундан эрта бўлмаган бир ой давр ичида ташкил этади. Биринчи турда кўпчилик овоз тўплаган

<sup>4</sup> ЕХХТ/ДИИХБнинг сайловни кузатиш йўриқномаси, бешинчи нашр, 2005 й.

<sup>5</sup> [http://www.osce.org/do/odihr/2007/12/28940\\_en.pdf](http://www.osce.org/do/odihr/2007/12/28940_en.pdf)

<sup>6</sup> <http://www.osce.org/item/29125.html>

<sup>7</sup> [http://www.osce.org/documents/odihr/2005/03/4355\\_en.pdf](http://www.osce.org/documents/odihr/2005/03/4355_en.pdf), стр.1.

<sup>8</sup> “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги Қонунга баҳо”, 21.02.2005, [http://www.osce.org/documents/odihr/2005/02/4316\\_en.pdf](http://www.osce.org/documents/odihr/2005/02/4316_en.pdf), стр. 2.

<sup>9</sup> 2002 йил 27 январда референдум бўлиб ўтиб, унда Конституцияга иккита ўзгартириш киритилди: икки палатали парламент ташкил этиш ва президентлик ваколатини беш йилдан етти йилга чўзиш.

икки нафар номзодлар бўйича овоз беришда кўпчилик овоз олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Иккинчи турда иштирок этиш талаби қўйилмайди.

Амалдаги ҳукумат раҳбарининг номзод сифатида рўйхатдан ўтиши юридик нуқтаи назардан савол туғдирди. Конституциянинг 90-моддасига асосан бир шахсга президентлик лавозимини кетма-кет икки мартадан ошмаган ҳолда эгаллаш руҳсат этилишига қарамай, амалдаги ҳукумат раҳбари 1991 ва 2000 йиллардаги аввалги иккала президент сайловида ҳар сафар яна бир номзод билан рақобатда ғолиб чиқиб, 1991 йилда Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинишидан бери Ўзбекистон Президентидир. Бу масала оммавий мулоҳаза мавзуси ҳам бўлмагани каби бу борада ҳеч қандай расмий эътироз ҳам билдирилмади.

1995 йил референдуми натижаларига кўра, президентлик ваколати муддати 2000 йилгача узайтирилди, 2002 йилда бўлиб ўтган яна бир референдум натижасига кўра эса ваколат муддати беш йилдан етти йилгача узайтирилди<sup>10</sup>. Мазкур узайтириш ўша даврда амалда бўлган мандатга нисбатан қўлланилиб унинг муддатини 2007 йилгача узайтирди.

Марказий сайлов комиссияси 1992 йилда Конституция қабул қилинганидан сўнг Ислом Каримов фақатгина 2000 йилда бир маротаба президентликка сайланган, шу тариқа Конституциянинг 90-моддасининг талабларига мос келади деб асослади. Баъзи оппозицион кучлар ва фуқаролик жамиятлари уюшмалари танқидларига қарамай, бу борада расмий тарзда ҳеч қандай суд даъвоси берилмади<sup>11</sup>. Конституцион судга ҳеч қандай ариза тушмади, унинг ўзи эса Конституциянинг 90-моддасини изоҳлашга оид қарор чиқариш учун ўз ваколатидан ҳам фойдаланмади<sup>12</sup>.

Сайлов тайинланган сана ҳам ҳуқуқий борада саволлар туғдирди. Марказий сайлов комиссияси президентлик ваколатининг конституцион муддати тугаши йили декабрининг учинчи декадасининг биринчи якшанбасида сайлов бўлишини кўзда тутувчи Конституциянинг 117-моддасини амалга ошириш мақсадида 23 декабрни сайлов куни деб эълон қилди<sup>13</sup>. Лавозимдаги президент эса, 2000 йил 22 январда қасамёд қабул қилган, демак унинг Конституциянинг 90-моддасида ўрнатилган етти йиллик ваколати муддати 2007 йил 22 январда, яъни сайловгача деярли бир йил аввал тугаган. Бу масаланинг Конституция томонидан кўзда тутилган ҳеч қандай ечимининг мавжуд эмаслиги туфайли мазкур иккита конституцион қоидалар бир-бирига зид келади, чунки улардан бирининг бажарилиши мажбурий тарзда иккинчисининг бузилишига олиб келади. Президент Ислом Каримов Марказий сайлов комиссияси томонидан 2007 йил 29 декабрда ғолиб номзод деб тан олингани ва 2008 йил 16 январда лавозимга ўтганлиги туфайли, президентлик ваколати январда тугаб, сайлов эса шу йилнинг декабрида ўтиши керак бўлганида мазкур муаммо 2015 йилгача сақланиши мумкин.

<sup>10</sup> 2003 йили Конституциянинг 90-моддасига тегишли тузатиш киритилган.

<sup>11</sup> СКЧМга Олий суд ва Конституцион судда берилган маълумотга кўра.

<sup>12</sup> “Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига биноан Конституцион суднинг уч судяси ҳам масалани Конституцион судда кўриб чиқиш учун киритишлари мумкин.

<sup>13</sup> Конституциянинг 2003 йилдаги тузатишлари билан 117-моддасининг 2-хат боши.

#### IV. КОНСТИТУЦИОН ВА СИЁСИЙ КОНТЕКСТ

Сайлов кескин назорат остидаги сиёсий муҳит шароитида ўтди. Ўзбекистонда амалдаги сиёсий шароит Президентда мужассамлашган кучли ижроий ҳокимият ваколатларининг марказлаштирилиши орқали изоҳланади. Президент Бош вазир, Вазирлар маҳкамаси ва Бош прокурорни тайинлайди ва лавозимидан озод этади. У Конституцион суд ва Олий суд таркибига судьялар номзодларини таклиф этади ва туман ва вилоят судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Бундан ташқари, Президент вилоят маъмурияти раҳбарларини (Ҳокимларни) тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Президент қарорлари тез-тез қўлланилувчи қонунчилик қуроли бўлади.

2004 йил парламент сайловидан буён Ўзбекистон бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтиб, унинг аъзолари тўлиқ бандлик шароитида парламентарий сифатида ишламоқдалар. Қуйи палата бир мандатли округлар бўйича сайланувчи 120 нафар аъзодан ташкил топган бўлиб, юқори палата 84 таси билвосита усулда сайланувчи, қолган 16 нафари эса Президент томонидан тайинланувчи 100 та сенатордан иборат. Қуйи палатада 14 та партиясиз депутатлардан ташқари, бешта партия<sup>14</sup> келтирилган бўлиб, уларнинг барчаси умуман ва буткул ҳукуматга оид. Шу билан бирга, Ўзбек Совет Социалистик Республикаси Коммунистик партияси вориси бўлмиш Ўзбекистон Халқ-демократик партияси (ЎХДП) бир неча йилдан бери ўзини сўлги оқимдаги оппозицион партия деб ўрин тутди.

Ўзларининг оппозицион фикрларини қатъийроқ ифодаловчи баъзи сиёсий ҳаракатлар - “Бирлик”, “Эрк” ва “Озод дехқон” - сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўта олмадилар. Мазкур ҳаракатлар вакиллари маълум қилишларича, бир қатор ҳолларда уларнинг рўйхатга олиш учун аризалари ҳукумат органлари томонидан жавобсиз қолган, бошқа ҳолларда эса улар тўпланган имзолар сони камлиги ёки уларнинг аризаларида баъзи батафсилликлар йўқлиги сабабли қайтарилган<sup>15</sup>.

Сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги янги қонун<sup>16</sup> потенциал тарзда парламент ваколатларини кенгайтириши ва шу йўла парламентдаги сиёсий партиялар ролини оширишига қарамасдан, сиёсий ландшафтни ўзгартиришга имкон яратувчи, яъни сиёсий ҳаракатларнинг сиёсий партиялар сифатида

---

<sup>14</sup> Либерал-демократик партия: 41 та ўрин; Халқ-демократик партияси: 28 та ўрин; “Фидокорлар” Миллий-демократик партияси: 18 та ўрин; “Миллий тикланиш” партияси: 11 та ўрин; “Адолат” Социал-демократик партияси: 10 та ўрин.

<sup>15</sup> “Бирлик” вакиллари СКЧМга 2003 йил майидан 2005 йил майигача рўйхатга олиш ҳужжатлари тегишли ҳужжатлар билан Адихлия Вазирлигига (АВ) тўрт марта топширилганлигини маълум қилдилар. Ҳар сафар талабнома “қалбаки имзолар” сабабли рад этилган. “Озод дехқон” вакиллари уларнинг рўйхатга олиш ҳақидаги талабномалари АВга 2004 йилда топширилганини СКЧМга маълум қилдилар. Партияда таъкидлашларича, у пайдан бери улар АВдан ўзларининг рўйхатга олиш аризалари борасида ҳеч нарса эшитмаганлар ва жавоб ҳам олмаганлар.

<sup>16</sup> “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонун 2007 йил 28 февралда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январда кучга кирди.



рўйхатдан ўтишини осонлаштирувчи ҳеч қандай қоидаларни кўзда тутмайди<sup>17</sup>. Аксинча, юридик шахс сифатида сиёсий партияларни рўйхатга олиш талаблари янада қаттиқлашди. 2004 йилда тегишли тузатиш киритилишидан аввал “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги<sup>18</sup> қонунга асосан бунинг учун 5000 имзо етарли бўлса, ҳозирги кунда эса, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтиш учун камида саккизта маъмурий-худудий тузилмаларида 20000 имзо тўплаш зарур.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларига президент сайловида ўз номзодларини таклиф қилиш имкониятининг тақдим этилиши олдинги 2000 йилдаги президент сайловига нисбатан яхши тарафга муҳим ўзгариш бўлди<sup>19</sup>. Шу билан бирга, ташаббускор гуруҳ ташкил этиш учун камида уч юз сайловчилар иштирокида дастлабки йиғилиш ўтказиш зарур<sup>20</sup>, бунга эса амалдаги йиғилишлар эркинлиги атрофидаги ҳуқуқий вакуум ва баъзи маълумотларга кўра мавжуд бўлган маъмурий тўсиқлар қаршилик кўрсатмоқда. Конституциянинг 33-моддаси томонидан умумий йиғилишлар эркинлиги эълон қилинишига қарамай, бу борада ҳеч қандай асос бўлувчи қонунчилик актлари мавжуд эмас<sup>21</sup>. Бундан ташқари, Жиноят кодекси томонидан ноқонуний жамият уюшмаларини ташкил этиш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган<sup>22</sup>. “Бирлик” ҳаракати ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга сайловчилар ташаббускор гуруҳини ташкил этиш учун йиғилиш ўтказишга ҳуқумат рухсати йўқлиги сабабли ўзининг сайловчилар ташаббускор гуруҳини ташкил этиш ҳаракатининг муваффақиятсизлик билан яқунланганини сўзлаб берди.

## V. ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ

Президент сайловини тартибга солувчи сайлов қонунчилиги бир неча маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Конституция<sup>23</sup> қоидалари ва бир қатор қонун ва қонун ҳужжатларидан таркиб топади. Асосий қонунчилик сифатида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун хизмат қилади (ПСК)<sup>24</sup>. Марказий сайлов комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш тартиби “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги

<sup>17</sup> “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонун 2007 йил 28 февралда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январда кучга кирди.

<sup>18</sup> “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун 1996 йилда қабул қилинган.

<sup>19</sup> “Президент сайлови тўғрисида”ги (ПСК) қонуннинг 24-моддаси, 2004 йилдаги тузатишлар билан.

<sup>20</sup> ПСКнинг 24-моддаси.

<sup>21</sup> Совет Иттифоқи давридаги ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 19 августдаги “ЎзССРда йиғилиш, митинг, кўча намойишлари ва демонстрациялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари тўғрисида”ги эскирган қароридан мустасно ҳолда.

<sup>22</sup> Жиноий кодексининг 216-моддаси.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йилда қабул қилинган, 1994, 2003 ва 2007 йилларда унган тузатишлар киритилган. 2003 йилда киритилган тузатишлар орасида президентлик ваколатларини беш йилдан етти йилгача узайтириш ва Олий Мажлисни икки палатали парламентга ўзгартириш бўлган.

<sup>24</sup> 1991 йилда қабул қилинган; кейинчалик 1997, 1999, 2000 йилларда ва 2004 йил 3 декабрда сўнги марта тузатишлар киритилган.

қонун томонидан кўзда тутилган<sup>25</sup>. Сайлов матнидаги бошқа муҳим қонунлар тўплами “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун<sup>26</sup>, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун<sup>27</sup>, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун<sup>28</sup>, Жиноий кодекс<sup>29</sup> ва Жиноий-процессуал кодекснинг<sup>30</sup> алоҳида низомлари билан ифодаланади.

1991 йилда ПСҚ қабул қилинганидан сўнг, унга бир қатор ижобий ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, 1997 йилда сайловни хорижий давлатлар фуқаролари томонидан кузатуви қонуний тарзда расмийлаштирилди, Марказий сайлов комиссияси эса доимий амалдаги органга айлантирилди. 2004 йилдан бери сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан номзод таклиф қилиш қонун томонидан руҳсат этилди<sup>31</sup> ва сайлов округлари ва қўйи сайлов комиссияларини ташкил этиш учун вақт чегаралари кенгайтирилди, бу эса сайловга тайёргарлик кўриш учун кўпроқ вақт ажратади. “Қарши овоз бериш”дан “Рози овоз бериш”га (яъни, номзодларни ўчиришга нисбатан, номзод учун овоз бериш) ўтиш яна бир ижобий қадам бўлди.

Шу билан бирга, сайлов тизими учраган ўзгаришлар ЕХХТнинг демократик сайловлар ўтказиш мезонлари мажбуриятларига зид. 1997 йилдан бери партиясиз маҳаллий ташкилотлар (сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сифатида сайловда иштирок этмайдиган) сайлов жараёнини кузатишга қўйилмайдилар. Бундан ташқари, 1997 йилда яна бир тузатишнинг қабул қилиниши ПСҚнинг 25-моддасига кўра фуқаролар алоҳида тоифасига номзод сифатида рўйхатдан ўтиш тақиқланишига олиб келди, уларга қўйидагилар киради: муқаддам қасддан қилинган жиноят учун судланган, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилгани сабабли қонун томонидан таъкиб қилинувчи, диний ташкилот ва уюшмаларнинг профессионал ходимлари. Мазкур чекловлар Конституцияда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқларини ҳар қандай бевосита ёки билвосита чеклашни таъқиқловчи Конституциянинг 117-моддасининг 2-хат боши билан қарама-қаршидир. ПСҚнинг 25-моддаси ЕХХТнинг 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатининг 7.5 параграфига<sup>32</sup> ҳам қарши боради.

Пассив сайланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун Конституцион талабларга Ўзбекистон фуқароси, камида 35 ёш бўлиши, давлат тилини эркин билиш ва бевосита сайловдан олдин Ўзбекистон ҳудудида камида 10 йил муқим яшаган бўлиши киради. Бундан ташқари, номзод қўйишга ёрдам бериш учун имзо тўплаш талаблари ҳам жуда жиддийлаштирилди. ПСҚнинг дастлабки йилларида (1991-1997) сайловчилар гуруҳларига номзод қўйиш учун 60 000 имзо етарли бўлиб,

<sup>25</sup> 1998 йилда қабул қилинган, 2004 йилда сўнгги марта тузатишлар киритилган.

<sup>26</sup> 1994 йилда қабул қилинган, 2005 йилда сўнгги марта тузатишлар киритилган.

<sup>27</sup> 1996 йилда қабул қилинган, 2007 йилда сўнгги марта тузатишлар киритилиб, 2008 йил 1 январда кучга кирган.

<sup>28</sup> 2004 йилда қабул қилинган.

<sup>29</sup> 146 ва 147-моддалар.

<sup>30</sup> 272-модда.

<sup>31</sup> 1997 йилдан бери сиёсий партиялардан ташқари, фақатгина давлат ҳукумати органлари номзод қўйиш ҳуқуқига эга эдилар.

<sup>32</sup> “Халқ хоҳиши давлат ҳукуматининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун, иштирокчи-давлатлар фуқароларнинг сиёсий ёки давлат лавозимларини шахс сифатида ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотлар вакиллари сифатида таҳқиқлашларсиз эгаллаш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар”

уларнинг географик тақсимланишига нисбатан талаблар мавжуд эмас эди. Ҳозирда эса, ҳам сиёсий партиялар, ҳам сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг номзод қўйиши учун рўйхатга олинган умумий сайловчилар сонининг беш фоизига тенг ёки ундан ортиқ, яъни камида 8 та маъмурий-худудий тузилмаларни (вилоятлар) ифодаловчи деярли 815 000 сайловчилардан имзолар тўплаш зарур бўлиб, биргина бундай тузилмада уларнинг умумий сонидан саккиз фоизидан кўп бўлмаган имзо тўплаш мумкин. Шу тариқа, номзодларни рўйхатга олишга қўйилувчи талаблар асосиз даражада юқори ва Конституция томонидан қафолатланган президент лавозимига сайланиш учун ўз номзодини қўйиш имкони берилган шахсларнинг ҳуқуқини амалга оширишида жиддий тўсиқ бўлади, ҳамда шу билан бирга 1990 йил Копенгаген ҳужжатининг 7.5 параграфи<sup>33</sup> билан қарама-қаршиликка боради.

Конституцияга кўра, суд томонидан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб топилган ва суд қарорига асосан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланувчи шахслардан ташқари, ўн саккиз ёшга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга. Бу ердаги сўнгги чеклов содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги даражасини ҳисобга олмани сабабли жуда кенг ва шу тариқа 1990 йил Копенгаген ҳужжатининг 7.5 параграфини<sup>34</sup> бузувчи бўлиб кўринади.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг 2004 йилдаги парламент сайлови тўғрисидаги якуний ҳисоботининг эълон қилинишидан 2007 йил 23 декабрдаги президент сайловига қадар сайлов қонунчилигига тузатишлар киритилмаган. Шундай экан, кўпчилиги ҳам парламент, ҳам президент сайловига тегишли 2004 йилдаги якуний ҳисоботда келтирилган тавсиялар инобатга олинмасдан қолмоқда.

## VI. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

Президент сайлови Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигидаги уч даражадаги тизимни ташкил этувчи сайлов комиссиялари томонидан олиб борилади. 14 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида сайлов ўтказишга жавобгар. Сайлов участкалари даражасида 8266 та участка сайлов комиссиясилари (УСК) овоз беришни ўтказиб, улардан 43 таси мамлакатдан ташқаридаги сайловчилар учун ташкил этилган. Марказий сайлов комиссияси эълон қилган маълумотга кўра, умумий ҳисобда 16 297 400 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, сайловда улардан 14 765 444 таси иштирок этган, бу 90,6% иштирок этишни ташкил этади.

ОСК ва УСК дан фарқли тарзда МСК доимий амалдаги орган ҳисобланиб, “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунга<sup>35</sup> асосан ташкил этилади. Ўзининг ҳозирги таркибида МСК вилоятлар даражасида Кенгашлар тавсиясига

<sup>33</sup> Мисол учун, Ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссиясининг (CDL-AD (2002)) 23 rev, сайлов ўтказишдаги тавсия этилган нормалари тўпламига, 6 ва 16-вар., асосан сайлов қонунларида 1%дан кўп бўлмаган имзолар тўплаш талабини ўрнатиш тавсия этилади.

<sup>34</sup> “Халқ хоҳиши давлат ҳукуматининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун, иштирокчи-давлатлар вояга етган фуқароларга умумий ва тенг ҳуқуқни қафолатлайдилар”

<sup>35</sup> 1998 йилда қабул қилинган. Шу жумладан. МСК “бутун Ўзбекистон Республикаси худудида сайлов ҳақидаги қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишни амалга ошириш....ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш” ваколатига эга (“МСК тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси).

кўра Парламент (Олий Мажлис) томонидан тайинланган 22 нафар аъзони ўз ичига олади. Партия аъзолари сайлов комиссиялари лавозимларига тайинланишлари мумкин эмас<sup>36</sup>. МСК аксарият аъзолари пойтахтдан ташқарида истоқомат қиладилар ва маҳаллий ОСК мажлисларига<sup>37</sup> мунтазам тарзда қатнашиб ўз вилоятларида сайловга тайёргарлик кўришда бевосита иштирок этадилар. Таркибида тўрт нафар аёл бўлган, МСКнинг аксар аъзолари ҳуқуқий соҳада тажрибага эгалар.

ОСК таркибига МСКнинг 17 октябрдаги қарори орқали тайинланган 11 дан 13 тагача аъзолар кирган. Қонун ва Марказий сайлов комиссияси чиқарган қарорларга риоя қилган ҳолда, ОСК ўз округлари ҳудудида сайлов жараёнини бошқардилар, ҳамда рўйхатга олинган номзодларнинг сайлов кампанияларини ташкил этишда ёрдам кўрсатишга жавобгар бўлдилар<sup>38</sup>. ОСК Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган ўз бюджетига эга бўлган. Улар УСКларини ташкил этдилар, УСК аъзолари тайёрлаш ишларини олиб бордилар ва УСК фаолиятини назорат қилдилар. ОСК номзодлари сайловда иштирок этган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчиларни рўйхатга олишни амалга оширдилар.

Бештадан 19 та аъзоларга эга участка сайлов комиссиялари таркиби ОСК томонидан тегишли маҳаллий ҳукумат органлари тақдимида кўра 13 ноябрда тайинланди. 1997 йилдан бери сайлов комиссияларига аъзо бўлиш мезонлари янада ноаниқлашиб борди. Даставвал сиёсий партиялар, жамоат уюшмалари, Олий ўқув юрт ўқитувчи ва талабалари жамоатлари вакиллари, ҳамда оддий фуқаролар сайлов комиссиялари аъзолари бўлиш ҳуқуқига эга бўлишлари қонун томонидан кўзда тутилган эди. Шунга қарамай, 1997 йилдаги тузатишлар орқали олдин қандай умумий характерга эга бўлишига қарамай, аъзолик учун ҳар қандай аниқ мезонлар бекор қилинди, 2004 йилдаги тузатиш натижасида эса, “нуфузли жамоат вакили” мақоми сайлов комиссиялари таркибига кириш учун зарур талаб бўлди<sup>39</sup>.

МСК ва қуйи сайлов комиссиялари мажлислари аккредитация қилинган ОАВ ва кузатувчилар вакиллари, ҳамда рўйхатдан ўтган номзодлар вакилларининг қатнашишлари учун очиқ. МСК сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ тўққизта мажлис ўтказди<sup>40</sup>. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ташрифи пайтида 7 ва 21 декабрларда фақатгина иккита мажлис бўлиб ўтди. Марказий сайлов комитети СКЧМни 18 сентябрдан бери чиқарилган қарорлар рўйхати билан таништирди. Мазкур қарорлар қаторида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларининг календар режасини тасдиқлаш, сайлов округларини ташкил этиш, ОСК тайинлаш, номзодларни рўйхатга олиш, кузатувчиларни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳуқуқлари, сайловолди ташвиқотининг олиб борилиши, ОСК ва УСК ишлари бўйича кўрсатмалар, ҳамда молиявий таъминот тартибларига оид қарорлар мавжуд эди. Бундан ташқари, МСК участкаларга овоз бериш учун сайлов

<sup>36</sup> ПСҚнинг 19-моддаси, 8-хат боши.

<sup>37</sup> 2007 йил 30 июнда Олий Мажлис маҳаллий вакиллик қондасига риоя этиб, яъни бир комиссия аъзосини айнан ўша маъмурий-худудий бирликдан иккинчисига алмаштирган ҳолда, олти янги аъзони, 25 августда эса – яна иккита аъзони тайинлади.

<sup>38</sup> ПСҚнинг 16.3-м.

<sup>39</sup> ПСҚнинг 18-1-м.

<sup>40</sup> Биринчи мажлис 18 сентябрда, СКЧМ кузатувчилари иштирокида ўтган ягона сўнггиси – 21 декабрда бўлиб ўтди.

материаллари намуналари, расмий ташвиқот плакатлар ва бюллетенларни нашрга чоп этиш учун тасдиқлади.

Юқорида айтиб ўтилган қарорлар билан таништирув ва ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ва Марказий сайлов комиссияси орасидаги юзага келган илиқ муносабатларга қарамадан, МСК қарорларининг тўлиқ рўйхатини тақдим этиш ҳақидаги СКЧМнинг бир неча бор қилган илтимоси қониқтирилмасдан қолди<sup>41</sup>. Тайёрланган бюллетенлар<sup>42</sup> ва муддатдан олдин овоз бериш сайлов варақалари сони, сайловнинг умумий бюджети ва номзодларни қўллаб-қувватлашга тўпланган имзоларни текшириш тартибига<sup>43</sup> оид муҳим саволлар ҳам худди шундай жавобсиз қолди. Номзодларни кўрсатишни қўллаб-қувватлаш учун имзолар ҳақиқийлиги ва номзодлар ҳақидаги маълумотларга эга расмий брошюраларни текшириш ўтказиш учун ташкил этилган ишчи гуруҳга оид МСК қарорлари сайловдан атиги уч кун аввал эълон қилинди<sup>44</sup>. Натижада мазкур қарорлар эълон қилинган бўлсада, имзо варақаларининг тўғри тузилганлиги ва ҳар бир номзод бўйича МСК томонидан тайёрланган брошюралар сонини текширишни амалга оширган ишчи гуруҳ аъзолари исмлари каби муҳим маълумотлар эълон қилинмади.

МСК Интернетда ўз сайтини олиб бориб, унда танланган тарзда комиссия томонидан тасдиқланган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар, ҳамда сайловга тайёргарчилик кўришнинг давом этиши ҳақида янгиликлар келтирилди<sup>45</sup>. Бундан ташқари, МСК ҳар кварталда шунга ўхшаш маълумотларга эга ахборотнома нашр этади<sup>46</sup>.

Сайлов кунида комиссия томонидан амалга оширилган жараёнларнинг бир хиллигини таъминлаш учун МСК томонидан тасдиқланган баъзи қарорлар етарлича батафсил таърифланмаган. Овозларни ҳисоблашнинг турли босқичларининг ўтказилиши тартиби ва тегишли тартиб-тамойиллар фақатгина умумий тарзда таърифланганлиги алоҳида ташвиш уйғотди.

Қонун томонидан яшаш жойи ва муддатдан олдин тарзда овоз бериш кўзда тутилган бўлсада, мазкур сайлов тартиб-тамойилларининг жўнатиш бўйича батафсил йўриқноманинг мавжуд эмаслиги бундай масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш аксар ҳолда УСКнинг ихтиёрига қолди. Маккага 5000 зиёратчилар кетаётгани туфайли муддатдан олдин овоз бериш ҳақида ОАВ ва расмий материалларда тез-тез айтиб ўтилди. МСКнинг 16 ноябрдаги қарорига кўра,

<sup>41</sup> СКЧМга тақдим этилган МСКнинг 48 қарордан иборат рўйхати аниқ тўлиқ эмас эди. Мазкур рўйхатда 331-сон қарордан кейин 334-сон келади, 345 ва 357-сонли қарорлар орасида эса тўртта бошқа қарорлар келтирилган (МСКнинг қарорлари фақатгина ички ҳисобот учун номерланади, расмий тартибда уларга номи ва қабул қилинган санасига кўра далили қилинади).

<sup>42</sup> УСК томонидан қабул қилинувчи сайлов бюллетенлари сони сайлов участкасидаги сайловчилар умумий сонидан ярим фоиздан ошиқ бўлмадлиги ПСК томонидан кўзда тутилган (27-модда, 6-хат боши). МСКда бу қоида нашрга буюрилган бюллетенларнинг умумий сонига ҳам тегишли эканлигини таъкидлашди, лекин бу борадс ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилмади.

<sup>43</sup> МСК имзо тўпланган олти нафар номзоддан тўрт нафарини рўйхатга олди.

<sup>44</sup> МСКнинг №4-сонли (17) ахборотномаси 2007.

<sup>45</sup> Интернетдаги сайт рус ва ўзбек тилларида олиб борилади (<http://www.elections.uz>), “МСК Ахборотномаси” материалларининг аксарияти ҳам ўхшаш тарзда нашр этилади.

<sup>46</sup> МСКнинг Интернетдаги сайтида бир неча нашрларни электрон форматда ҳам топиш мумкин.

Вазирлар маҳкамаси қошидаги диний ишлар бўйича Комитетига МСКга зиёратчиларнинг уларнинг яшаш жойлари кўрсатилган рўйхати берилиши топширилган. Натижада, МСК 30 ноябрга қадар тегишли овоз бериш участкаларини муддатдан олдин овоз бериш учун керакли сонда сайлов варақалари билан таъминлаши лозим эди. Сайловчиларнинг дастлабки рўйхати 8 декабрга тайёр қилиниши кераклиги туфайли, 30 ноябрдан 8 декабргача бўлган давр ичида муддатдан олдин овоз бериш тадбиридан фойдаланган сайловчилар рўйхатларидаги имзолар борасида саволлар туғилди<sup>47</sup>. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ на зиёратчилар, на бошқа муддатдан олдин овоз берган сайловчилар орасида муддатдан олдин овоз бериш қачон бошланганини аниқ била олмади. Юзага келган таассуротга кўра, УСКларини муддатдан олдин овоз бериш учун сайлов варақалари билан таъминлашнинг аниқ тартиби ҳам мавжуд эмас эди<sup>48</sup>.

#### А. САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистонда сайловчилар рўйхатини (СР) тузувчи умуммиллий ахборот базаси мавжуд эмас. Жойлардаги ҳокимиятлар УСКга “сайловчилар рўйхатини тузиш учун керакли, тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар ҳақида маълумот<sup>49</sup>” беришга мажбур бўлсаларда, амалда бу турлича бажарилди ва баъзи ҳолларда УСК участка ичидаги барча манзиллар бўйича айланиб чиқиб сайловчиларнинг янги рўйхатини тузишни бошладилар. Сайловчилар рўйхатини аниқлаш ва уни қўллаш тартиб-тамоийллари қонун томонидан қатъий ўрнатилмаган бўлсада, УСК одатда СРнинг камида икки варианты билан ишлайди. Биринчиси дастлабки бўлиб сайловолди даврда қўлланилади, иккинчиси эса якуний ва сайлов куни ишлатилади.

Дастлабки СРни аниқлаш, одатда УСК аъзолари томонидан, сайловчиларнинг яшаш жойлари бўйича бориш орқали амалга оширилди ва 8 декабрдан кейин рўйхат умумий танишув учун эълон қилинди<sup>50</sup>. СРга қўшилган ёки ўчириб ташланган исмларни қузатиш бўйича ҳеч қандай талаблар мавжуд эмас. Сайлов кунда сайловчилар паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этиш орқали СРга қўшимча тарзда киритилишлари мумкин<sup>51</sup>. Шу тарика, рўйхатга киритилган сайловчиларнинг умумий сони фақатгина овоз бериш тугагач, юқори сайлов органларига маълумот берилганидан сўнг аниқланади.

МСК томонидан эълон қилинган сайловчилар сони сайлов куни ўтишидан сўнг ўзгармади. Бундан ташқари, сайлов куни ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ташриф буюрган баъзи овоз бериш участкаларида СРга ўз шахслари ва яшаш жойларини тасдиқлай олган, камида 749 нафар сайловчилар – қўшимча киритилган<sup>52</sup>. Мазкур амалиёт

<sup>47</sup> Марказий сайлов комиссияси томонидан муддатдан олдин овоз бериш учун сайловчиларнинг вақтинчалик рўйхатларидан фойдаланиш ҳақида ҳеч қандай хулоса ёки қарорлар қабул қилинмаган.

<sup>48</sup> УСК аъзолари муддатдан олдин овоз бериш учун барча сайлов варақалари ишлатиб бўлинса, улар ОСКга уларни қўшимча миқдорда келтириб бериш ҳақида мурожаат қилишларини маълум қилдилар.

<sup>49</sup> ПСҚнинг 22 моддаси, 2-хат боши.

<sup>50</sup> ПСҚнинг 23 моддаси, 1-хат боши.

<sup>51</sup> ПСҚнинг 31 моддаси, 4-хат боши.

<sup>52</sup> Қуйидаги сайлов участкаларида (8-сонли сайлов округи таркибидаги 2, 93, 97 ва 612-сонли участкаларда; 12-округдаги 693-сонли участкада; 2-сонли округдаги 641-сонли участкада)

сайловчилар рўйхатининг тўғри ва аниқлигини ҳисоблашга имкон бермайди ва бир хил ёзувларнинг қайтарилишини аниқлаш учун ҳар томонлама текширув имконини йўққа чиқаради.

## В. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

23 декабрдаги сайловда қатнашиш учун МСК тўрт нафар номзодни рўйхатга олди<sup>53</sup>. Парламент куйи палатасида мандатга эга бешта сиёсий партиядан учтаси ўз номзодларини қўйдилар. 41 ўринга эга Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎЛДП) амалдаги президент Ислом Каримовни таклиф қилди, 28 ўринга эга Ўзбекистон халқ-демократик партияси (ЎХДП) ўз етакчиси – Аслиддин Рустамовни таклиф қилди, 10 ўринга эга “Адолат” Социал-демократик партия эса, партия парламент фракцияси етакчиси Дилором Тошмухамедовани таклиф этди. Яна бир номзод, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори ва демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўз-ўзини бошқариш органлари бўйича парламент комитети раиси Акмал Саидов сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан қўйилди. Мазкур сайловчилар ташаббускор гуруҳлари таркибида асосан НДТни бирлаштирувчи давлат ташаббуси орқали тузилган жамият ташкил этувчи НДТлар келтирилган эди.

Парламентда келтирилган қолган ҳар бир сиёсий партиядан ҳар бири – “Фидокорлар” Миллий-демократик партияси (18 ўрин)<sup>54</sup> ва “Миллий тикланиш” партияси (11 ўрин) биттадан ўз номзодларини таклиф этдилар, бироқ иккови ҳам ўз номзодларини қўллаб-қувватлаш учун керакли беш фоиз имзолар тўплай олмадилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга “Миллий тикланиш” партиясида маълум қилишларича, партия номзодини қўллаб-қувватлаш учун тўпланган имзолар сони етарлича бўлмагани сабабли, Марказий сайлов комиссиясига рўйхатдан ўтиш учун расмий талабнома топширилмаган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг учрашув ҳақидаги илтимосига “Фидокорлар” партияси жавоб бермади, шу сабабли бевосита партия вакиллари билан рўйхатга олиш ҳақидаги масалани муҳокама этиш имкони бўлмади.

МСК ҳар бир номзод учун берилган умумий имзолар сонини эълон қилиш билан чегараланиб, бошқа маълумот бермасликни маъқул топди. Имзоларни текшириш жараёнини МСК сайловни кузатиш чегараларидан ташқарида деб топди.

## VII. САЙЛОВЛДИ ТАШВИҚОТИ

17 ноябрда бошланган сайловолди ташвиқоти паст фаоллик ва яққол рақобат йўқлиги билан фарқ қилди. Қонунга кўра, сайлов комиссиялари рўйхатдан ўтган

---

қўшилган исмлар сони тегишли участкаларга келтирилган қўшимча бюллетенлар сонидан анчагина ошди. УСК аъзолари ОСКдан қўшимча бюллетенлар буюриш имконлари борлигини тасдиқладилар. СКЧМ бюллетенларнинг аниқ сони ва уларнинг тақсимланиши тартиби, ҳамда ОСКда захирадаги нусхалари сақланганини аниқлай олмади.

<sup>53</sup> МСКнинг 2007 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида.

<sup>54</sup> 2000 йилдаги президент сайловида Ислом Каримов “Фидокорлар” партиядан номзод этиб қўйилган.

барча номзодларга сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар, шу жумладан сайловни ўтказиш учун марказлаштирилган жамғармадан ажратиладиган молиявий маблағлар билан ҳам таъминлаши керак. Улар давлат радио ва телевидениесида бепул эфир вақти ҳам тақдим этишлари керак.

Сайлов ўтказиш учун давлат фонди ҳисобидан эксклюзив ҳуқуқда ташвиқот материалларини тайёрлашни Марказий сайлов комиссияси бошқарди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг МСКда олган маълумотига кўра, ҳар бир номзод учун маблағ миқдори 8 миллион сўм (4 500 евро атрофида) билан чегараланган. Бир номзод фойдасига жисмоний шахслар томонидан қўшимча эҳсон қилиниши рухсат этилади, лекин бу ҳолда уларни барча рўйхатга олинган номзодлар ўртасида тенг тақсимлаш лозим эди. МСК ҳақиқий сарф қилинган давлат маблағлари суммасини очик эълон қилмади, бироқ ҳеч қандай қўшимча эҳсонлар тушмаганлигини маълум қилди.

МСК ҳар бир номзод ҳақидаги нейтрал мазмундаги маълумотларга эга дастур брошюралари ва ахборот плакатларини тайёрлашни таъминлаб, улар асосан сайлов комиссиялари ишлайдиган биноларда жойлаштирилди. Мазкур ахборот материалларидан ташқари, сайловчилар учун деярли ҳеч қандай бошқа плакат ёки индивидуал ташвиқот материаллари ишлатилмади, бу эса кампаниянинг деярли бутунлай кўринмаслигига олиб келди. Шунга қарамай, баъзи бир жамоат жойларида амалдаги президентнинг ҳукумат раҳбари сифатида тасвирланган йирик плакатлар осиб қўйилди. Мазкур плакатлар сайловолди кампаниясига алоқадор бўлмаган, лекин бошқа номзодлар тасвирланган плакатларнинг мутлоқ мавжуд эмаслиги ҳолатида барча номзодлар учун шароитлар тенглиги борасида хавотир юзага келди.

Олдиндан танлаб олинган деган фикр уйғотувчи қатнашувчилар иштирокида ОСК билан ҳамкорликда ёпиқ жойларда ташкил этилган мажлисларда тўрт нафар рўйхатга олинган номзодлар сайловчилар билан учрашдилар. Бундай учрашувлар ўтказиш ҳақида очик эълон қилинмади ва ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ барча мажлисларнинг тўлиқ рўйхатини олдиндан олишга имкони бўлмади. Бундай маълумот тегишли номзодлар сайловолди штабларидангина келди, унга кўра, сайловчилар билан И.Каримов 14 та учрашув, А.Саидов ва Д.Тошмухамедова – еттитадан, А.Рустамов эса – олтида учрашув ўтказган. Рўйхатга олинган номзодлар вакиллари билан ҳам шунга ўхшаш учрашувлар ўтказилган. Барча номзодлар амалдаги ҳукумат раҳбарининг сиёсий йўлини давом эттириш зарурлигига урғу беришган, улардан ҳеч қайси бири ўзини алтернатив сиёсат тарафдори сифатида кўрсатмади. Барча номзодлар вакиллари ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга ташвиқот ишлари бўлиб ўтган шароитни адолатли ва маъқул деб ҳисоблашларини маълум қилдилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ тегишли сайловолди штабларига бир неча бор қилган мурожаатларига қарамай, рўйхатга олинган номзодлар билан учраша олмаганидан афсусланади.



## VIII. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

### A. ШАРХ

Ўзбекистонда кўпгина оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини кўрсатадилар. Мингдан ортиқ босма нашрлар ва 74 та теле- ва радиостанциялар расмий тарзда рўйхатга олинган. Шунга қарамасдан, ахборот бериш ва фикрларни изоҳлашда реал плюрализм мавжуд эмас. Давлат бюджети маблағлари томонидан молиялаштирилувчи Миллий телерадиокомпания (МТРК) таркибига тўртта марказий телевизион канал (“Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Тошкент” ва “Спорт”), ҳамда 11 та регионал каналлар ва бешта радиостанция киради. Мамлакатнинг бутун ҳудудида қабул қилинувчи иккита ягона янгилик узатувчи каналлар “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” каналларидир. Босма ОАВ чекланган тиражга эга бўлганликлари туфайли, электрон ОАВ энг муҳим ахборот манбалари ҳисобланади.

Барча оммавий ахборот воситаларининг рўйхатга олиш тартиби давлат назорати остида қолмоқда ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот Агентлиги (ЎзМАА) орқали амалга оширилади. Журналистлар аккредитация ҳақидаги талабларга жавобгар бўлганликлари учун хусусий ОАВ тўлиқ мустақил эмаслар. Бундан ташқари, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга баъзи бир суҳбатдошлар айтишларича, журналистлар уларнинг фаолияти устидан ҳукумат органлари томонидан кучли назорат олиб борилаётганини тахмин қиладилар. Ахборот етказиб бериш ролини Интернет-сайтлар ижро этмоқда, лекин Ўзбекистонда алтернатив фикрларни ифодаловчи бир неча сайтларга кириш беркитилган.

Бир қатор маҳаллий ва чет эл журналистларига сайлов жараёни ҳақида лавҳалар олиб бориш учун аккредитация беришда рад этилган<sup>55</sup>, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга эса аккредитация ҳақидаги илтимоснома билан берилган мурожаатларга жавоб бериш кечиктирилганлиги ҳақида бир неча ҳолатлар маълум қилинди. Чет эл ОАВ корреспондентлик бюроларида ишловчи ўзбекистон фуқароларига Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтиш зарур<sup>56</sup>.

### B. ОАВ ФАОЛИЯТИ УЧУН ҲУҚУҚИЙ ДОИРАЛАР

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳамда амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва давлат сирини фош этишга қаратилган ахборотдан ташқари ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституция томонидан тан олинади<sup>57</sup>. Цензура

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотида кўра, ҳозирда Ўзбекистонда қуйидаги чет эл ОАВ корреспондентлик пунктлари (бюрolari) аккредитация қилинган: “РИА-Новости” (Россия Федерацияси), “Регнум” (Россия Федерацияси), “Российская газета” (Россия Федерацияси), “Воскресенье” (Россия Федерацияси), “Би-Би-Си Уорлд Сервис Мониторинг” (Буюк Британия), “ТРТ” (Туркия), “Жихан” (Туркия), “Кабар” (Қирғизстон) ва “Рандеву” (Қазахстан). Ўзбекистонда “Рейтер” агентлиги ҳам ўз фаолиятини амалга оширади, бироқ у ТИВда эмас, балки Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олинган.

<sup>56</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги Қарори.

<sup>57</sup> Конституциянинг 29-моддаси.

Конституция томонидан ман этилган бўлсада<sup>58</sup>, президентликка номзодлардан бири ўз-ўзини цензура қилишни пасайтириш керак эканлигини очиқ эълон қилди.

Яқинда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунга киритилган тузатишлар 2007 йил 15 январдан кучга кирди. Қонунда оммавий ахборот воситаларининг кенг изоҳи сақланиб қолди (4-м.) ва ОИВнинг эълонларининг аниқлиги учун жавобгарлиги сақланиб қолди (5-м.). Уларга нисбатан давлат сирини ташкил этувчи маълумотни тарқатиш, ҳамда конституцион тузум барқарорлигини бузувчи, мамлакат бутунлигига хавф солувчи ёки фуқаролар шаъни ва обрўсига тажовуз қилиш учун қаратилган деб топиш мумкин бўлган ҳар қандай нашрларга чеклов қўйилади (6-м.). Бундан ташқари, прокурорнинг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш ман этилади (6-м.).

Президент сайловидаги барча номзодлар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгалар, ПСҚ эса, номзодларга тенг шароитлар яратишни МСКга юклайди<sup>59</sup>. Марказий сайлов комиссияси ЎзМААга оммавий ахборот воситаларининг сайловда қатнашиш қоидаларига риоя этишини кузатишни топширди. ЎзМАА ҳам, МСК ҳам ҳеч қандай қайд қилинган риоя қилмасликлар ҳақида хабар бермадилар. Шу билан бирга, ўтказилган мониторинг якуни ҳақида ҳам ҳеч қандай ҳисобот эълон қилинмади.

#### С. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН САЙЛОВНИ ЁРИТИШ МОНИТОРИНГИ

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМнинг ўзининг ўзбек ОАВни танлашни мониторинг қилиши<sup>60</sup> жараёнида ОАВда сайлов кампаниялари ҳақида репортажлар жуда кам учраганини таъкидлади. Сайловдан олдинги икки ҳафта мобайнида СКЧМ мониторинг олиб борган “Ўзбекистон” бош давлат телеканали ўзининг энг яхши эфир пайтидаги дастурларида, янгиликлар сони ва сайлов ҳақидаги кўрсатувлари билан бирга ҳисоблаганда барча тўртала номзодларга умумий ҳисобда 103 минут эфир вақтини ажратган. Номзодлар ўртасида дебатлар ташкил этилмади, давлат каналларида номзодларнинг сайловчиларга тўғридан-тўғри мурожаатлари эфирга чиққани йўқ, худди шу каби ҳеч бир номзод билан бирорта интервью трансляция қилинмади. Натижада, сайловчилар амалдаги ҳукумат раҳбаридан ташқари, номзодларнинг телевидение орқали чиқишларини эшита олиш имконига эга бўлмадилар.

МСК кўрсатмаларига мувофиқ сайловга бағишланган иккита махсус кўрсатув тайёрланди. Ҳафтасига икки марта чиқувчи МСК экспертлари иштирокидаги “Демократия кўзгуси” деб номланган сайловчилар учун ўқув ва ахборот дастури “Ўзбекистон” каналида трансляция қилинди, сайловдан олдинги икки ҳафта

<sup>58</sup> Конституциянинг 67-моддаси.

<sup>59</sup> ПСҚнинг 14-м.

<sup>60</sup> 10 декабрда бошланган мониторинг медиа танлови икки асосий давлат электрон ОАВ (18:00 дан 24:00 гача “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телеканаллари) ва учтаси давлат, еттитаси хусусий мулкчиликдаги босма нашрларни ўз ичига олди (давлатга тегишли: “Народное слово”, Халқ сўзи”, “Правда востока”; хусусий: “Ташкентская правда”, “Жамият”, “Uzbekistan Today”, “Хуррият”, “Зеркало XXI”, “Новости Узбекистана” ва “Даракчи”).

аввалги 20 минутли “Сайлов 2007” дастури эса эфирга олтига сонда чикди<sup>61</sup>. Мазкур дастур “Ёшлар” каналида ўн минутлик кечиктириш билан трансляция қилинди.

МСК давлат телевидение органига ҳар ҳафта номзодлар ўртасида тенг тақсимланган, бу мақсадда эфир вақтини ажратишда риюя этилувчи формат ва графикага кўра ҳеч қандай қўшимча тушунтиришларсиз умумий ҳисобда 40 минут бепул эфир вақтини ажратиш топшириғини берган. “Сайлов 2007” дастурида регионларда ҳар бир номзодларнинг сайловчилар билан учрашувини ёритиш, ҳамда партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларига нисбатан бир хил бепул эфир вақти ажратилди. Шу билан бирга, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ томонидан олиб борилган мониторинг шуни кўрсатдики, сайловдан олдинги икки ҳафта мобайнидаги номзодларга ажратилган бепул эфир вақти ҳажми сайлов ҳақидаги мазкур кўрсатувлар якунидан кейин эфирга чикқан ҳар бир номзод ҳақидаги тўртта 60 секундлик сиёсий ташвиқот роликларни ҳисобга олганда ҳам ҳафтасига 30 минутдан кам вақтни ташкил этди. Бу дастурларнинг, шу жумладан сиёсий ташвиқот роликларининг қисқа давомийлиги ва форматининг чекланганлиги, уларда дебатларнинг ёки тўғридан-тўғри мурожаатларнинг йўқлиги бепул эфир вақтининг тақдим этилиши сифатини етарли даражада сусайтирди.

Ўзининг янгиликлар дастурларида давлат телевидение компанияси номзодларни баланслаштирилган тарзда ёритишни таъминлай олмади. Амалдаги президент шахсини кўпинча ҳукумат раҳбари сифатида ёритиш масштаби бошқа учта номзодга нисбатан ахамиятли даражада кенгроқ бўлди. Мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб трансляция этилувчи “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” давлат каналлари сайлов ҳақидаги янгиликларда Ислон Каримовга 84%, Аслиддин Рустамовга -7%, Акмал Саидовга – 5% ва Долором Тошмухамедовага – 4% вақт ажратдилар. 10 декабрдан бошлаб<sup>62</sup>, “Ўзбекистон” телеканали барча янгиликлар сонини ўзининг доимий ижобий оҳангдаги Президент Каримов ҳақидаги лавҳасидан бошлади.

“Правда востока”, “Народное слово” ва “Халқ сўзи” учта давлат газеталари ўзларининг сайлов ҳақидаги материалларининг 60% дан ортиқ босма майдонини Президент Каримовга бағишладилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ мониторинг олиб борган хусусий шаклдаги босма нашрлар ҳам амалдаги ҳукумат раҳбарига афзаллик билдирдилар.

## IX. АРЗ ВА ШИКОЯТЛАР

Сайлов комиссиялари қарорлари устидан юқори турувчи сайлов комиссияларига<sup>63</sup> ёки бевосита судга шикоят қилиш мумкин. Қонун томонидан сайлов комиссиялари ва судлар ваколатларининг аниқ чегараланиши, улар томонидан тегишли қарорлар қабул қилиш вақт чегаралари, сайловчилар рўйхатларидан ташқари, сайлов билан

<sup>61</sup> Ҳеч қандай расмий изоҳларсиз 11 декабрда “Сайлов 2007” дастури кўрсатилмади.

<sup>62</sup> Ягона мустасно – 15 декабр.

<sup>63</sup> ПСҚнинг 14-моддасининг 11-пункти; ПСҚнинг 16-моддасининг 8-пункти; ПСҚнинг 18-моддасининг 8-пункти; ва ПСҚнинг 19-моддасининг 3-хат боши.

боғлиқ шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда қўлланилиши керак бўлган керакли аниқ процессуал нормалар кўзда тутилмаган<sup>64</sup>.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига кўра, ҳар бир фуқарога унинг сайлов ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоялаш, сайлов комиссиялари, давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиш имкони кафолатланади. Фуқаролик процессуал кодексининг (ФПК) 272-моддаси орқали сайлов комиссиялари устидан суд шикоятларини амалга ошириш тартибигина ўрнатилган, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда келтирилган сайловга оид бошқа тоифадаги шикоятлар учун аниқ регламентациялар кўзда тутилмаган.

Олий судда ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга “Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонун қоидалари (1995 йилдан) амалиётда судлар томонидан ФПКнинг 272-моддасига ўхшаш тарздаги сайлов жараёни ўхшашликларига мослаштирилади, яъни судлар сайлов билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартирадилар, деб маълум қилдилар. Мазкур муносабат суд амалиётининг якка тартибини таъминламайди. МСК қарорлари утидан Олий судга шикоят қилиш мумкин, Олий суд шикоятларни келиб тушишидан уч кун давомида кўриб чиқиши лозим, сайловгача олти кундан кам муддат қолган бўлса – дарҳол кўриб чиқиши лозим<sup>65</sup>. ПСҚнинг 36-моддасининг 1-хат боши номзодларга МСКнинг сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарори (умуман ёки айрим округ ёки участкалар бўйича) юзасидан эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Олий судга шикоят қилишни руҳсат этади.

МСКга ҳуқуқий қоидаларни изоҳлаш ва кичик аҳамиятга эга ўттиздан ошиқ шикоятлар келиб тушган, МСК хабар беришича, асосан фуқаролар, шу жумладан сайловчилар ташаббускор гуруҳларини ташкил этишни истаганлар томонидан берилган. Олий суд ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга бутун сайлов жараёни давомида на қуйи инстанциялардаги судлар, на Олий суд томонидан сайлов юзасидан ҳеч қандай шикоят кўриб чиқиш учун қабул қилинмаганлигини маълум қилди<sup>66</sup>.

<sup>64</sup> “Президент сайлови тўғрисида”ги қонуннинг (ПСҚ) 23-моддасининг 3-хат бошига мувофиқ ҳар бир фуқарога сайловчилар рўйхатида (СР) йўл қўйилган ноаниқлик ёки участка сайлов комиссиясида (УСК) рўйхатга киритилмаганлик юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига кўра ҳам шундай имконият берилади. Шунга қарамай, мазкур икки қонунлар ўртасида тафовут мавжуд. ПСҚга кўра, УСК бундай шикоятга кечи билан икки кунлик муддат ичида, агар шикоят сайлов арафасида ёки сайлов кунни эса дарҳол қарор чиқариши лозим. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга кўра эса, қарор қабул қилиш учун УСКга 24 соат ажратилган. УСК қарори устидан туман (шаҳар) судига сайловдан олдин кечи билан уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин. Суд шикоятни икки кун муддат ичида кўриб чиқиши лозим ва унинг қарори қатъий ҳисобланади.

<sup>65</sup> “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси.

<sup>66</sup> Бу борада СКЧМга “Инсон Ҳуқуқларини ҳимоя қилиш альянси”да бу бирлашма томонидан МСКнинг ҳаракатлари юзасидан Олий судга бир неча даъво аризаларини топшириш ҳаракатларининг амалга оширилгани ҳақида маълум қилдилар, бироқ Олий суд, таъкидланишича, уларни кўриб чиқишни рад этган. Мазкур аризалар Марказий сайлов комиссиясининг бирор-бир аниқ қарорларига эътироз билдирмайдиган умумий маънодаги аризалар эди.

Шу билан бирга, фаолиятлари “Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари альянси” билан боғлиқ суҳбатдошлар Абдилло Тожибой ўғли ва Ахтам Шаймардановлар берган маълумотларга кўра, улар президент сайловида қатнашиш учун мустақил номзодни рўйхатдан ўтказиш учун таклиф қилишни истаганлар, бироқ Марказий сайлов комиссияси уларнинг аризаларини рад этган. Натижада, 2007 йил декабрда аввал Марказий сайлов комиссияси устидан Олий судга, кейин Бош прокуратурага Марказий сайлов комиссияси ва Олий суд устидан бир нечта шикоят берганлар. Расмий манбалардан мазкур масала бўйича маълумот мавжуд эмас.

## **X. САЙЛОВНИ КУЗАТИШ**

Рўйхатдан ўтган номзодларни таклиф этган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва аккредитация қилинган халқаро кузатувчилар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирларда, шу жумладан сайлов куни овоз беришда ҳам иштирок этишлари мумкин<sup>67</sup>. Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари томонидан йигирма мингга яқин маҳаллий кузатувчилар рўйхатга олинганини маълум қилди. Фуқаролар жамиятининг маҳаллий уюшмалари (сайловда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сифатида иштирок этмайдиган) сайлов жараёнини кузатишга қўйилмайдилар, бу эса 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатида зид<sup>68</sup>.

МСК маълумотларига кўра, сайловни кузатиш учун 264 та хорижий кузатувчилар, шу жумладан ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) вакиллари бўлган кузатув миссияларининг рўйхатга олингани маълум қилинди. Ҳеч қайси сайловни кузатиш бўйича ташкилотлар таркибида бўлмаган бошқа хорижий кузатувчилар ҳам аккредитация ўтдилар ва сайлов куни участкаларга ташриф буюрдилар.

## **XI. АЁЛЛАР ВА КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАР ИШТИРОКИ**

Президент сайловида рақобатлик қилган тўртта номзод ичида тарихда Ўзбекистонда президент сайловида ўз номзодини қўйган биринчи аёл бўлди. Юқори сайлов комиссияларида аёллар вакиллиги етарлича кенг бўлмади; МСКнинг 22 та аъзоси ичида фақатгина тўртта аёл бор эди. Барча ОСКларида эркаклар вакиллик қилди, бунда ОСКнинг 160 та аъзосидан фақатгина 13 (8%)

<sup>67</sup> ПСКнинг 5-м.

<sup>68</sup> “Иштирокчи-давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчиларнинг иштирок этишлари сайлов ўтаётган давлат учун сайлов жараёни нуфузини ошириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар конун томонидан руҳсат этилувчи нисбатда ўзларининг миллий сайловларини кузатиш учун ЕХХТга аъзо ҳар қандай давлатлар ва буни истаган тегишли хусусий муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф этадилар. Улар умуммиллий даражадан куйроқ даражада ўтказилувчи сайлов жараёнларини ҳам кузатишга имкон яратишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаслик мажбуриятини оладилар”.

нафари аёллар эди. УСК даражасида аёллар участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 40-50% ташкил этиб яхшироқ иштирок этдилар.

Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг саксон фоизини ўзбеклар, 5,5% - руслар, 5% - тожиклар, 3% - қozoқлар, 2,5% - қорақалпоқлар, 1,5% - татарлар ва 2,5% - бошқа миллатлар ташкил этади<sup>69</sup>. Расмий давлат тили ўзбек тили. Миллий ва этник алоқадорлик масалалари сайлов кампаниясида ахамиятли рол ўйнамади. Сайлов материаллари ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон республикасида эса қорақалпоқ тилида ҳам тайёрланди.

## ХП. САЙЛОВ КУНИ

### А. ОВОЗ БЕРИШ

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайлов кунида сайлов тартиб-тамойилларининг амалга оширилишини тизимий ёки комплекс тарзда кузатиш олиб бормади. Шу билан бирга, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ вакиллари туман ва Тошкент шаҳрида бир қатор сайлов участкаларига ташриф буюрдилар. Ташриф буюрилган сайлов участкаларида УСК аъзолари ҳамкорликка бордилар ва одатда ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сўраган маълумотларни тақдим этдилар. Кузатувчилар баҳоларига кўра овоз бериш умуман ҳеч қандай ҳодисаларсиз тинч ҳолатда ўтган бўлсада, улар ўзлари сайлов ўтказиш бўйича халқаро стандартларга яққол зид келувчи усулларнинг гувоҳи бўлдилар.

Ташриф этилган сайлов участкаларида УСК аъзолари бир хил ташкилот, одатда мактаб ходимлари эдилар. Кўпинча комиссия раиси мажбуриятларини мазкур ташкилот раҳбари бажарди, бу эса унинг аъзоларининг мустақиллигига нисбатан ташвиш уйғотди.

Деярли барча ташриф буюрилган сайлов участкаларида сайлов участкаси комиссияси аъзоси бўлмаган шахслар, шу жумладан маҳаллий маъмурият вакиллари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари мавжуд эдилар. Баъзи бир сайлов участкаларида УСК таркибида бўлмаган шахслар сайлов жараёнини бошқаришда иштирок этдилар, масалан, сайловчилар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текширдилар.

Сайлов куни овоз бериш жараёнида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ қайд этган кенг тарқалган бошқа шахслар учун овоз бериш амалиёти асосий ташвиш уёғотиш сабаби бўлди. Марказий сайлов комиссиясининг сайловчилар диққатини бир шахсга фақатгина бир маротаба овоз бериш рухсат этилишини ўргатувчи материалларнинг нашр этишига қарамасдан, деярли барча ташриф этилган сайлов

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси томонидан ЮНЕСКОнинг “Марказий Осиёда маданиятлараро диалог” дастури доирасида тайёрланган “Ўзбекистонда маданиятлараро диалог” мавзусидаги аналитик ҳисобот маълумотларига кўра, Тошкент, 2007 й.

участкаларида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ аъзолари сайловчилар қўлларига биттадан ортиқ бюллетен олганликларини кузата олдилар. Бундан ташқари, деярли барча сайлов участкаларида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ аъзолари сайловчилар рўйхатида кўпгина миқдорда бир хил имзолар мавжудлигини тасдиқлай олдилар, бу эса бошқа шахс учун овоз бериш рўй берганини билдирди.

Сайлов кунидаги бошқа камчиликлар орасида кутиларни нотўғри тарзда мухрлаш, овоз бериш кабиналаридан ташқарида овоз бериш ва сайловчилар турган жойда СРдан фойдаланишда якка тартиб йўқлиги мисоллари кузатилди.

Расмий маълумотларга кўра, сайловда 90,6% сайловчилар қатнашган. Бундай кўрсаткични шубҳасиз мислсиз юқори деб ҳисоблаш мумкин.

## В. ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШ ВА НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари қатнашган жойларда овозларни ҳисоблаш умумий ҳисобда очиқ маънога эга бўлсада, ўрнатилган тартибга нисбатан баъзида жиддий қоидабузарликлар кузатилди. УСК барча топширилган бюллетенлар сонини СРдаги имзолар сони билан солиштириш учун санашдан бошлаш ҳоллари юз берди. Бошқа участкаларда ҳар бир номзод бўйича бюллетенлар дарҳол саналди, бундан сўнг натижалар СРдаги имзолар сони билан тенглаштирилиши учун тўғриланди<sup>70</sup>. Ноаниқлик таассуротини келтириб чиқарган номзодлар бўйича бюллетенларни санаш бир хилда амалга оширилмаган ҳоллари бўлди, ҳамда ҳисоблаш натижалари барча УСК аъзоларига эълон қилинмаган ҳоллар ҳам бўлди.

Баъзи ташриф буюрилган сайлов участкаларида УСК таркибига кирмаган шахслар овозларни ҳисоблашда фаол иштирок этдилар. Бюллетенга белги қўйиш усуллари УСК аъзолари ўртасида қарама-қаршиликлар келтириб чиқариш мисоллари кузатилиб, баъзи УСКлар эса фақатгина “+” белгили бюллетенларни ҳақиқий деб, “х” белгили бюллетенларни ҳақиқий эмас деб ҳисобладилар.

Кузатув остига тушган ҳолларда УСК раиси овозлар натижалари баённомаларини ОСКга топширишни раис ўринбосари ёки котиби билан милиция ходимлари ҳамроҳлигида амалга оширди. ОСК жойлашган жойлардаги ҳолатни ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ аъзолари тинч деб баҳоладилар, баъзиларида эса жуда гавжум эди. Шунга қарамай, кузатув олиб борилган ОСКдаги иш жараёнининг умимий баҳоси унинг етарлича аниқ эмаслиги бўлди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ аъзолари УСК раислари олдиндан имзоланган, бироқ бундан ташқари тўлдирилмаган баённомаларга натижаларни ёзишдан олдин ОСК аъзолари билан маслаҳатлашганликлари ёки қалам ёки ручка билан тузилган УСК баённомаларига ўзгартиришлар киритишларининг гувоҳи бўлдилар. Бундай

<sup>70</sup> 54-сон сайлов участкасида (4-округ) УСК оовозларни ҳисоблаш натижасида белгиланган И.Каримовга берилган овозлар сонини И.Каримовни қўллаб-қувватлаш бюллетенлари сонига нисбатан 100 тага оширди. 545-сайлов участкасида (2-округ) кузатувчиларнинг саналган бюллетенлар сонининг СРдаги имзолар сонига нисбатан мос эмаслигига аҳамият берганликларидан кейин қайта ҳисоблашда, УСК И.Каримовга 400 ортиқ овоз аниқлади. Натижада, баённомага киритилишда мазкур кўрсаткич СРдаги имзолар сони билан тенгликка эришиш учун яна 17 тага оширилди.

амалиёт мазкур тартиб-тамойлга қўйилган энг минимал талабларни тўғридан-тўғри бузади ва ўзбек қонунчилигига қарши.

24 декабрда ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ аъзолари баъзи ОСКларга якуний йиғма баённомаларни кўрсатиш илтимоси билан қайта ташриф буюрганларида, улар мурожаат этган ҳеч қайси ОСК бу талабни қондирмади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов жараёнида муҳим аҳамиятга эга қуйидаги маълумотлар, шу жумладан қуйидагилар сони эълон қилинмади:

- тайёрланган муддатдан олдинги овоз бериш учун сайлов варақалари ва оддий овоз бериш учун сайлов бюллетенлари;
- ишлатилмаган бюллетенлар, ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар, бузилган бюллетенлар, ишлатилмаган муддатдан олдинги овоз бериш сайлов варақалари, ҳақиқий бўлмаган муддатдан олдинги овоз бериш сайлов варақалари;
- фақатгина яшаш жойига кўра овоз бериш имконига эга сайловчилар, кўчма сайлов кутисидан фойдаланиш орқали ва муддатдан олдин овоз беришдаги овозлар;
- СРга қўшимча киритилган сайловчилар исми, СРдан ўчириб ташланган сайловчилар исми;
- мамлакат чегарасидан ташқарида овоз беришда қатнашган сайловчилар; мамлакат чегарасидан ташқарида овоз бериш учун келтирилган бюллетенлар.

“Президент сайлови тўғрисида”ги қонун томонидан натижаларни сайлов участка ва округлари бўйича тақсимлов билан эълон қилиш кўзда тутилмаганлиги туфайли, сайлов натижалари мамлакат бўйича умимий ҳисобдаги маълумот сифатида эълон қилинди.

### **ХIII. МАСЛАҲАТЛАР**

ЕХХТ/ДИИХБ ўзбек ҳукуматида кўриб чиқиши учун қуйидаги маслаҳатларни беради. Уларнинг кўпчилиги 2004 йилдаги Ўзбекистондаги парламент сайловлари ҳақидаги ЕХХТ/ДИИХБнинг якуний ҳисоботида ҳам берилган маслаҳатлар каби мазмунига кўра ўхшаш маслаҳатлардир. Уларнинг самарали амалга оширилиши учун мазкур маслаҳатларга дарҳол диққат ажратиш керак ва керакли тарзда сиёсий ирода кўрсатилиши талаб қилинади.

#### **А. ҲУКУҚИЙ БАЗА**

1. Конституция томонидан ўрнатилган президентлик ваколатларининг тугашидан аввал ёки унинг тугашидан кейинги мувофиқ вақт чегараларида сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90 ва 117-моддалари қодаларини уйғунлаштириш лозим. Олдинги президент ваколати тугагач ва янги сайланган президентнинг лавозимга келишигача ким президентлик мажбуриятларини бажариши кераклиги Конституция томонидан белгилаб қўйилиши керак.



2. Конституция томонидан кафолатланган йиғилишлар эркинлигини таъминлаш учун керакли ҳуқуқий механизмларни ўрнатиш зарур. Буларнинг ва маъмурий тартиб-тамойилларда бир хилликнинг мавжуд эмаслиги сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлар ташкил этиш, бундай гуруҳлар томонидан номзодлар кўйиш, улар томонидан эркин ташвиқот олиб бориш ва митинг, йиғилиш ва намойишларда ўз фикрларини очик эълон қилиш ҳуқуқларини амалга оширишни қийинлаштиради.
3. Суд қарорига кўра қамоқда ўташлик сабабли сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этиш ёки уларни вақтинча чеклашни ўлчовдошлик принципига кўра содир этилган ҳуқуқбузарлик оғирлиги даражаси билан мувофиқлаштириш керак, яъни улар фақатгина оғир жиноят учун ҳукмга нисбатан қўлланиши керак.
4. Алоҳида тоифадаги фуқароларга номзод сифатида рўйхатдан ўтишни тақиқловчи ПСҚнинг 25-моддасини Конституциянинг 117-моддаси ва 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатининг 7.5 параграфи билан мос келтириш учун ундаги талабларни юмшатиш керак. Бундан ташқари, сиёсий партияларни рўйхатга олиш ва сайловда номзод кўйиш учун керакли имзолар сонини камайтириш керак. Керакли тарзда ўтказилиши ва жамоатчилик диққатига очик бўлиши учун имзоларни текшириш тартибини батафсиллаштириш керак.
5. Маҳаллий кузатувчилар, шу жумладан фуқаролик жамиятларининг партиясиз уюшмалари вакилларига сайловларни кузатишни рухсат этиш керак (шу тариқа сайловда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сифатида иштирок этувчиларга қўшилган ҳолда), чунки маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки 1990 йилдаги Копенгаген ҳужжатининг 8-параграфи томонидан кўзда тутилган.
6. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш қоидаларини либераллаштириш имконларини ўрганиб чиқиш лозим. Хусусан, кампания доирасида ташвиқот тадбирларини ташкил этиш учун жавобгарлик сайлов комиссияларига эмас, балки номзодларнинг ўзларига юклатилиши керак. Марказий сайлов комиссиясининг сайловолди кампаниясини молия билан таъминлаш масалаларида фақатгина назорат органи ролини сақлаб қолган ҳолда, номзодлар ўзларининг сайловолди жамғармалари маблағларидан эркин фойдаланишлари имконига эга бўлишлари керак.
7. Сайлов комиссиялари ва судлар ўртасидаги ваколатларни аниқ фарқлашни белгилаб қўйиш, ҳамда ҳам сайловолди даврида, ҳам сайловдан кейин тушган шикоятларни кўриб чиқишда қўлланиши керак бўлган процессуал амалларни бажариш тартибини тасдиқлаш лозим.

## В. САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИ ЎТКАЗИШ

1. Тегишли профессионал кўникмаларга таянувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича эътиборли ва плюрализмга асосланган орган ташкил этишни таъминлаш учун участка комиссиялари таркибига аъзоларни тайинлаш тартибини қайта кўриб чиқиш лозим. Сайловда иштирок этувчи сиёсий

партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларга сайлов комиссиялари таркибига ўз номзодларини қўйишни руҳсат этиш керак.

2. Давлат органлари қайта такрорланиши мумкин бўлган ёзувларни аниқлаш учун ҳар томонлама текширув ўтказиш имконини берувчи марказлаштирилган сайловчилар реестрини тузиш имконини кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, сайловчилар рўйхатини аниқлашнинг ягона тартибини ўрнатиш лозим.
3. Марказий сайлов комиссияси томонидан стандарт амалиёт тартибида сайлов жараёнида муҳим аҳамиятга эга маълумотлар, шу жумладан қуйидагилар эълон қилиниш керак: муддатдан олдинги овоз бериш учун тайёрланган сайлов варақалари ва оддий овоз бериш учун сайлов бюллетенлари, ишлатилмаган бюллетенлар, ҳақиқий бўлмаган бюллетенлар, бузилган бюллетенлар, муддатдан олдинги овоз бериш учун ишлатилмаган сайлов варақалари, муддатдан олдинги овоз бериш учун ҳақиқий бўлмаган сайлов варақалари сони; фақатгина яшаш жойига кўра овоз бера олувчи сайловчилар сони, кўчма сайлов қутиси ёрдамида овоз бериш орқали ва муддатдан олдинги овоз беришда берилган овозлар сони, СРга қўшимча киритилган исмлар, СРдан ўчирилган исмлар сони, мамлакат чегарасидан ташқарида овоз беришда қатнашган сайловчилар ва мамлакат чегарасидан ташқарида овоз бериш учун келтирилган бюллетенлар сони.
4. Қонунчилик ёки Марказий сайлов комиссиясининг алоҳида қарорига кўра муддатдан олдинги овоз бериш тартиби, шу жумладан участка комиссияларига қачон якуний сайловчилар рўйхати топширилиши ва исмлар рўйхатга қай тарзда қўшимча киритилиши ва ундан ўчирилиши ҳақида батафсил изоҳлаб берилиши керак.
5. Участка комиссиялари томонидан барча тартиб-тамойилларнинг, айниқса сайлов кунида, шу жумладан овозларни ҳисоблаш ва баённомалар тузиш бажарилиши юзасидан аниқ ва батафсил кўрсатмалар чиқарилиши керак. Ҳисоблаш ўтказишдан аввал сайлов қутиларида олинган бюллетенлар сони ва СРдаги имзолар сонини таққослаш ҳақида тўғридан-тўғри фармойиш чиқариш керак. Участка сайлов комиссияларидан округ сайлов комиссияларига манипуляцияга учраган сайлов материалларини топширишда мажбурий риоя этилувчи тартиб ўрнатилиши керак. Участка сайлов комиссияларидан округ сайлов комиссияларига тўлдирилмаган ва олдиндан имзоланган баённомаларни топшириш, ҳамда бундай баённомаларни қалам билан тузиш тажрибасини ман этиш лозим. УСК раисларига сайлов участкаларида ҳеч қандай ваколатсиз шахсларнинг иштирок этишларига йўл қўйилмаслик ҳақида аниқ кўрсатмалар берилиши керак.
6. Натижаларни сайлов участкалари ва округлари бўйича тақсимланган тарзда эълон қилиш керак, бу аниқлик ва ҳисоботга ижобий таъсир кўрсатади, ҳамда эълон қилинган натижалар аниқлиги борасида ишонч ҳосил қилади.
7. Сайловчилар учун ўқув дастурларида бошқа шахслар учун овоз бериш амалига йўл қўймасликка диққатни кучайтириш керак. Участка комиссиялари мазкур амалиётнинг олдини олиш бўйича кўрсатма олишлари керак.

### С. ОАВ

8. Эфирга узатишни амалга ошириш учун лицензия беришга жавобгар ваколатли орган давлатдан мустақил бўлиши керак.
9. Давлат ишлари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи кўпгина қўшимча шартлар билан чекланмаслиги керак, айрим ҳоллардагина маълумотни давлат сирини ташкил этувчи деб ҳисоблаш зарур.
10. Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилувчи оммавий ахборот воситаларининг сайловни ёритиш тартиби ОАВ сайловни ёритишидаги эркинлигини бузмаслиги керак, фақатгина ошкоралик шароитида номзодлар томонидан бепул эфир вақтидан фойдаланишни таъминлаши керак. Тақдим этилган эфир вақти номзодларга электоратга ўзларининг сиёсий дастурлари ҳақида батафсил ва воситачиларсиз сўзлаб бериш имконини бериш учун етарли бўлиши керак.
11. Сайлов кампанияси давомида ижтимоий ҳаёт янгиликларига бағишланган дастурларда ҳокимият тепасидаги номзод адолатсиз афзаллик олмаслиги учун барча номзодларга тенг имконлар принципига риоя қилиниши керак.

## **ИЛОВА: САЙЛОВНИНГ РАСМИЙ НАТИЖАЛАРИ**

29 декабрда Марказий сайлов комиссияси якуний натижа сифатида қуйидагиларни тасдиқлади. Худди мана шу натижалар 24 декабрда дастлабки натижалар сифатида ҳам эълон қилинган эди.

<b>Номзод</b>	<b>Овозлар сони</b>	<b>Ҳоиз</b>
Ислом Каримов	13 008 357	88,10
Аслиддин Рустамов	468 064	3,17
Дилором Тошмухамедова	434 111	2,94
Акмал Саидов	420 815	2,85

Овозлар умумий сони: 14 765 444 (сайловга қатнашиш 90,6%)

## ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) иштирокчи-давлатларга “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни тўлиқ таъминлашда, қонун устуворлигига риоя қилиш, демократик принципларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда, ҳамда бутун жамият кўламида чидамлилиқни ривожлантиришда” ёрдам кўрсатишга чақирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилдаги Хелсинки саммити Хужжати). Бу ЕХХТнинг инсон ўлчови ҳисобланади.

Варшавада (Полша) жойлашган ЕХХТ/ДИИХБ “Эркин сайловлар бюроси” номли 1990 йилдаги Париж саммитида ташкил этилган ва 1991 йил майда ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш киритилиши билан Бюронинг ваколати кенгайиши туфайли унинг номи ўзгарди. Ҳозирги кунда Бюро штатида 130 дан ортиқ мутахассислар бор.

ЕХХТ/ДИИХБ Европада **сайловларни кузатиш** соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳар йили Бюро ЕХХТ регионида ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар йўналишларини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб методикаси сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ЕХХТ/ДИИХБ иштирокчи-давлатларга сайлов инфратизимини яхшилашга кўмак беради.

**Демократлаштириш** бўйича Бюро фаолияти куйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва кўчиш эркинлиги ва гендер тенглик. ЕХХТ/ДИИХБ ҳар йили демократик тузилишни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ мақсадга қаратилган дастурларни амалга оширади.

ЕХХТ/ДИИХБ иштирокчи-давлатларга ЕХХТ инсон ўлчови соҳасида қабул қилинган инсон ҳуқуқи ва асосий эркинликларни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак кўрсатади. Бунга терроризм билан курашиш шароитларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, одамлар билан савдо қилиш қурбонлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тайёрлаш, инсон ҳуқуқларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва ҳисобот тузиш, ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлиги каби мавзуй соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргаликдаги ишлар туфайли эришилади.

**Чидамлилиқ ва таҳқирлашга қарши** курашиш доирасида ЕХХТ/ДИИХБ нафрат, иркчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва чидамсизлиқнинг бошқа шакллари билан курашишни фаоллаштиришни қўллаб-қувватлашда иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатади. Чидамлилиқ ва таҳқирлашсиз муносабатни таъминлаш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ фаолияти куйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик, қонунларни амалга ошириш бўйича таълим, мониторинг ўтказиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва нафрат асосидаги жиноят ва инцидентларга жавобий реакцияни таъқиб қилиш, ҳамда чидамлилиқ, ҳурмат ва ўзаро тушунишни рағбатлантириш бўйича таълим тадбирлари.

ЕХХТ/ДИИХБ **рома ва синти** халқларига нисбатан сиёсати масалалари борасида иштирокчи-давлатларга маслаҳатлар беради. Бюро рома ва синти жамоалари имкониятлари ва муносабатларини ривожлантиришга имкон яратади ва рома ва синти вакилларининг ҳукумат органларида иштирок этишида ёрдам кўрсатади.

ДИИХБнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институтлари ва ўзга мамлакатлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин мослик ва ҳамкорликда ўтказилади.

Батафсил маълумот ДИИХБнинг Интернет тармоғидаги сайтида олиш мумкин ([www.osce.org/odihr](http://www.osce.org/odihr)).